

Пайғамбаримизнинг ҳаж ва умрадаги суннатлари

Хадю Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам фи ибадатихи ва »
муъамалатихи ва ахлақихи« китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Доктор Аҳмад ибн Усмон ал-Мазид



Мутаржим: Абу Абдуллоҳ Шоший

Мұхаррір: Абу Мұхаммад Али Бухорий

هذیه صلی اللہ علیہ وسلم فی الحج و الْعُمْرَة

مقالة مقتبسة من كتاب هدي محمد صلی الله علیہ وسلم فی عبادته ومعاملاته وأخلاقه

[Ўзбекча – Uzbek –]



د. أحمد بن عثمان المزيد

۴۰۰

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو محمد علي البخاري

11- Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳаж ва Умрадаги суннатлари¹

А- Умрадаги суннатлари:

- 1) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт марта умра қилдилар;

Биринчиси: Ҳудайбийя умраси, ўшанда мушриклар у зотни (ва саҳобаларини) Байтул-Ҳаромга киритмаган эдилар, шу сабаб Ҳудайбийяда қурбонлик қилдилар, соchlарини кирдириб олдирдилар ва эхромдан чиқдилар.

Иккинчиси: Қазо умраси. Бир йил кейин Ҳудайбийяда тамомига етказолмаган умраларини қазо қилдилар.

Учинчиси: Ҳаж билан бирлаштириб қилган умралари.

Тўртинчиси: Жиъронадан қилган умралари.

- 2) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умралари орасида Маккадан чиқиб қилинган бирорта умра йўқdir. Умраларининг ҳаммаси Маккага кириб қилинган эди.
- 3) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир йилда фақат бир марта умра қилганларни накл қилинган. Бирон марта бир йилда икки марта умра қилмаганлар.
- 4) Умраларининг бари ҳаж ойларида бўлганди.
- 5) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рамазонда қилинган умра ҳажга борабардир», дедилар (Муттрафақун алайҳ).

¹ Зодул-маод (2/86).

B- Ҳаждаги суннатлари:

- 1) Ҳаж фарз қилиниши билан кечиктирмасдан ҳаж қилишга ошиқдилар. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам фақат бир марта ҳаж қилдилар ва қирон ҳажи² қилдилар.
- 2) Пешин намозидан кейин ҳаж ва умра учун ният қилиб, эхромга кирдилар, сүнгра талбия айтдилар: «Лаббайкаллохумма лаббайқ, лаббайқа лаа шарийка лака лаббайқ, иннал ҳамда ван-ниъматла лака вал-мулк, лаа шарийка лак» (Муслим ривояти). Маъноси: «Парвардигоро, чақириғингга қайта-қайта ижобат қилмоқдаман ва Сенинг итоатингдаман! Сенинг шеригинг йўқ. Мен Сенинг итоатингдаман, чақириғингга ижобатдаман. Ҳамд ҳам, неъмат ҳам, мулк ҳам Сеникидир. Сенинг шеригинг йўқ». Ушбу талбияни саҳобалари эшитадиган тарзда баланд овозда айтдилар ва Оллоҳнинг амрига биноан саҳобаларга ҳам талбия айтаркан баланд овозда айтишларини буюрдилар. Талбия айтишни тўхтатмадилар. Саҳобалар гоҳо баъзи калималарни қўшар, гоҳо камайтирап эдилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам буни инкор қилмадилар.
- 3) Эхромга кириш асносида саҳобаларига уч тур ҳаж учун ният қилиш орасида ихтиёр бердилар. Сўнгра Маккага яқинлашганларида ўзи билан курбонлик олиб келмаганларга ҳаж ва қирон ниятини бузиб, умра учун ният қилишларини тавсия қилдилар.
- 4) Ҳажга тахтиравон устида эмас, туйнинг устида бордилар. Юклари, яъни озуқа ва нарсалари тагларида эди.

² Қирон ҳаж — битта эхром билан, яъни эхромдан чиқмасдан ҳам умра, ҳам ҳаж қилмоқ (Тарж.).

Маккага боргандарида ёнида қурбонлик олиб келмаганлар ҳажларини умрага ўтказишларини ва эхромдан чикишларини, ёнида қурбонлик олиб келганлар эса эхромда колишларини қатъий буюрдилар.

Сўнгра йўлга отландилар ва Зу-Тувога тушдилар ва Зул-хижжанинг тўртинчиси якшанба кунига тўғри келган кечани у ерда ўтказдилар. У ерда бомдод намозини (имомлик қилиб) ўқиб бердилар, сўнгра ўша куни ғусл қилдилар ва кундузи Ҳажун деган жойнинг тепасидаги, Макканинг юқори тарафидаги баланд тепалик (ас-санийятул-уля)дан Маккага кирдилар.

Масжидул-Ҳаромга кириб, таҳийятул-масжид намозини ўқимасдан тўғри Байтул-Ҳаромга қараб юрдилар. Қора тош (ал-ҳажарул-асвад)нинг қарисига келганларида уни тўлиқ тўсиб қўймаган тарзда силаб, ўпдилар. Сўнгра қора тошни ўнг, Байтуллоҳни чап томонларига олган ҳолда тавоғ қилишни бошладилар. На Каъба эшигининг, на тарнов остида, на Каъбанинг орқаси ва рукнларнинг ёнида дуо қилдилар. Фақат икки рукннинг орасида «Роббана атинаа фид-дуня ҳасах, ва фил-охироти ҳасанаҳ, ва қинаа азабан-нор», деган дуони айтганлиги ривоят қилинади. Маъноси: «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қил, охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан асрар». Тавоғ асносида мазкур дуодан бошқа бирор зикр тайин қилмадилар.

Бу тавоғнинг илк уч айланишида рамал қилди, яъни кичик одимлар билан тез-тез юрдилар. Эхром либосининг уст қисмини (ридони) икки учини олиб бирини бир елкалари остидан, иккинчисини устидан қилиб ташлаб олгандилар. Иккинчи елкалари ва елка камарлари очик қолганди.

Хар сафар қора тошнинг қаршисига келганда букик дастали асолари билан ишора қиласр ёки силар ва асоларини ўпардилар-да «Аллоҳу акбар», дер эдилар.

Рукнул-ямонийни силадилар, бироқ силаш асносида уни ўзини ҳам, кўлларини ҳам ўпмадилар.

Тавофни тугатгач, Мақомнинг ортига келиб, **«Ва Иброҳим мақомини намозгоҳ тутиңг»** (Бақара: 125) оятини ўқигандан сўнг, Мақом билан Байтуллоҳ орасида икки ракаат намоз ўқидилар. Бу икки ракаатда Фотиҳани ва икки Ихлос сураларини ўқидилар. Улар: «Қул я айюҳал кафирун» ва «Қул ҳуваллоҳу аҳад» сураларидир. Намоздан фориғ бўлгач, қора тошга йўналиб, уни силаб ўпдилар.

Сўнгра Сафо тоғи сари йўл олдилар, унга яқинлашганларида, **«Албатта, Сафо ва Марва Оллоҳнинг оят-аломатлариданdir...»** (Бақара: 158) оятини ўқидилар ва «Оллоҳнинг биринчи айтганидан бошлайман», дедилар ва то Каъбани кўрадиган бўлгунларигача Сафога кўтарилилар. Сўнгра Қиблага юзландилар ва Оллоҳни яккалас, тақбир айтдилар ва шундай дедилар: «Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. У шериксизdir. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уницидир ва У барча нарсага қодир. Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. У ваъдасининг устидан чиқди: бандасини голиб этди, гурухларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди» (Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривоятлари). Сўнгра бу орада дуо қилди ва мазкур зикрни уч марта айтди.

Кейин Марво сари юриб тушдилар, оёқлари водийнинг асосига тегиши билан югуришни бошладилар. Водийдан ўтгач, одатий юриш билан Марво тоғига кўтарилилар. Буни ўрнатилган икки яшил белгининг орасида қилдилар. Саъйни юриш билан бошладилар, одамлар кўпайгандан кейин туюга минганд холатда тамомладилар.

Марвога келгач, устига чиқдилар, Каъбага юзланиб, Оллоҳни яккалаб, такбир айтдилар ва Сафо тоғида қилганларидек қилдилар.

Марвода саъни тамомлагач, ўзи билан қурбонлик олиб келмаганларнинг барчасига хоҳ қирон ҳажи, хоҳ ифрод³ ҳажи учун эхром боғлаганларга эхромдан чиқишларини қатъий тарзда буюрдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллемнинг ўzlари ёnlаридан қурбонлик олиб келганлари учун эхромдан чиқмадилар ва «Шу килаётган ҳажимни қайтадан қилганимда, қурбонлик олиб келмас ва ҳажни умрага ўзгартирган бўлардим (яъни, таматтӯ — ҳаж ва умрани ҳар бир учун алоҳида эхромга кириб, алоҳида-алоҳида адо этган бўлардим)», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Сочини қирдириб олдирғанларга уч марта ва қисқартирганларга бир марта мағфират сўраб дуо қилдилар.

Маккада қолган пайлари тарвия⁴ кунигача муддатда мусулмонлар билан Макканинг ташкарисида қолган жойларидан намозларни қаср қилиб (яъни, тўрт ракаатли намозларни икки ракаатга қисқартириб) ўқидилар.

Тарвия куни чоштгоҳ вақти бўлганда ёнидагилар билан Минога қараб йўлга отландилар. Умрадан кейин эхромдан чиққанлар уйларидан (яъни, турган чордирларидан) ҳаж учун эхромга кирдилар.

Минога етиб келиб, пешин ва асрни ўқидилар ва ўша ерда тунадилар. Эрталаб қуёш чиқишини бошлаган пайтда Арафотга тўғри ҳаракат қилдилар. Йўл асносида сахобаларидан талбия ва такбир айтганлар бор эди, у зот

³ Умрасиз факат ҳаж учун ният қилмоқ (Тарж.).

⁴ Ҳаж амалларини бошланғич куни, яъни Зул-хижжанинг 8-куни (Тарж.).

соллаллоху алайҳи ва саллам буни эшитдилар-у, инкор қилмадилар. Қилинишини буюрган чодирнинг Намирада қилинганини кўрдилар. Намира Арафотга кирмайди, унинг шарқ тарафидаги бир қишлоқдир. Қуёш оғгунича у ерда тўхтадилар. Кейин туяси Қасвони олиб келиниши буюрдилар ва у олиб келиниб, устига эгар қўйилди. Сўнгра Арафот ерларидан бўлган Батнул-Водийга келгунгача юрдилар, у ерга келганларида түя устида одамларга муazzам бир хутба қилдилар. Хутбада Ислом асосларини ўрнатиб, ширк ва жоҳилият асосларини буздилар, миллатлар ҳаром эканлигига иттифоқ қилган ҳаром нарсаларнинг ҳаромлигини баён қилдилар, жоҳилият ишлари ва рибосини оёқларининг остига қўйдилар, аёлларга яхши муомала қилишга тавсия қилдилар, умматга Оллоҳнинг китобини маҳкам ушлашга васият қилдилар. Сўнгра улардан у зот ҳақида гапиришларини талаб қилдилар ва уларга динни етказиб, насиҳат қилган ва вазифаларини адо этганларига Оллоҳни гувоҳ қилди.

Хутбани тамомлагач, Билолга аzon айтишини, сўнгра иқомат келтиришини буюрдилар ва пешинни икки ракаат қилиб, сиррий қироат билан ўқиб бердилар, ўшанда жума куни эди. Сўнгра Билол аср намози учун иқомат айтди ва Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам асрни ҳам икки ракаат қилиб ўқиб бердилар. У зот билан бирга маккаликлар ҳам бор эди, Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам уларга намозни (яъни, пешин ва асрни учинчи ва тўртинчи ракаатларини) тўлдириб қўйишларини ҳам, жамъ қилиш (яъни, пешин ва асрни бирлаштириш)ни тарк этишларини ҳам амр қилмадилар.

Намоздан фориғ бўлгач, туяга миниб Вақфа⁵га келдилар. Одамлар у зотни Арафа куни рўзадор эканликларида шубҳа қилганларида Маймуна онамиз бериб юборган сутни Вақфада турган холларида, одамларнинг кўзлари ўнгидаги ичдилар.

Тоғ бағрида қоялар ёнида турдилар. Ҳожиларни олд тарафларига қилиб Қиблага юзландилар. Ўшандаги түянинг устида эдилар. Қуёш ботгунча дуо қилиб, Оллоҳга ёлвориб, ўтиниб илтижо қилдилар.

Одамларга Урона водийсидан юқорига чиқишиларини буюриб, шундай дедилар: «Мен шу ерда турдим (вақфа қилдим), Арафотнинг ҳамма томони Вақфа еридир (яъни, дуо-илтижо қилиб туриладиган жойдир)» (Муслим ривояти).

Таом сўраётган мискин янглиғ қўлларини кўкраклари баробарида кўтардилар ва шундай дедилар: «Энг яхши дуо, Арафа кунида қилинган дуодир. Мен ва мендан олдин ўтган пайғамбарлар айтган дуоларининг энг яхшиси эса шу зикрдир: Оллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага қодирдир» (Термизий ривояти).

Куёш ботиб, сариқлик йўқолиб, ботгани аниқ бўлгач, туда орқаларига Усома ибн Зайдни мингаштирганларича оҳисталик билан Арафотдан тушдилар. Түянинг жиловини унинг боши эгарнинг бир учига тегадиган даражада ториб, шундай дедилар: «Эй одамлар, оҳисталик билан юринглар! Зоро яхшилиқ, шошилиш билан бўлмайди (яъни, қўлга киритилмайди)» (Бухорий ривояти).

⁵ Ҳажда Арафот ва Муздалифада бир муддат турадиган жой (Тарж.).

Маъзимайн йўлидан тушиб, Зоб йўлидан Арафотга кирдилар, сўнгра Анақага юрдилар. Йўлда тез ва секин юриш ўртасидаги ўртача юришда юрдилар, агар текислик учраб қолса тезроқ юрардилар.

Йўл давомида талбияни тўхтатмасдан айтдилар. Йўлда тўхтадилар ва кичик тахорат синдириб, енгил тахорат олдилар, сўнгра Муздалифага боргунларича намоз ўқимадилар. Муздалифага бориб, намоз учун тахорат олдилар ва аzon, ортидан иқомат айтишни буюрдилар ва юклар туширилмасдан, туялар чўқтирилмасдан олдин шом намозини ўқиб бердилар. Юклар туширилгандан сўнг буюрдилар, намозга иқомат айтилди ва аzonсиз, факат иқоматнинг ўзи билан хуфтон намозини ўқиб бердилар. Шом билан хуфтон орасида бирор-бир намоз ўқимадилар. Сўнгра тонг отгунига довур ухладилар, кечаси намоз ўқимадилар.

Ўша кеча ой ғойиб бўлганда оиласаридан заифларига Минога тонг отишидан олдин боришларига рухсат бердилар ва қуёш чиқмасидан олдин шайтонга тош отмасликларини буюрдилар.

Тонг отганда бир азон ва иқомат билан бомдоднинг аввалги вақтида бомдод намозини ўқиб бердилар. Сўнгра туяларига миниб Машъарил-Ҳаромдаги Вақфа жойига келдилар. Одамларга Муздалифанинг ҳамма жойини Вақфа жойи эканини айтдилар. Кейин қиблага юзландилар, кун тоза ёришгунига қадар дуо-илтижо килдилар, Оллоҳга ёлвордилар, таҳлил айтиб, зикр қилдилар. Сўнгра қуёш чиқмасидан олдин туяда орқаларига Фазл ибн Аббосни миндириб, Муздалифадан айрилдилар.

Йўлда Ибн Аббосга шайтонга тош отиш учун ўзларига еттита майда тош топиб келишини амр этдилар. Кейин келтирилган ўша тошларни кафтларида ўйнатганларича «Мана шу тошларга ўхшаган тошларни отинглар! Динда

чукур кетманглар!...», дедилар (Насойй ва Ибн Можа ривоятлари).

Мұхассир водийсига келгәнләрида тезлашдилар, иккى йўл орасида Катта Жамаротга олиб борган йўлдан кетдилар. Ва ниҳоят Минога келдилар. Тош отишни бошлагунга қадар талбия айтишда давом этдилар. Қуёш чиққандан сўнгра, түяга минган ҳолда водийнинг пастида туриб, Байтулоҳни чап, Минони ўнг томонларига олган ҳолда Ақаба тошларини отдилар. Ҳар бир тошни отаркан такбир айтардилар.

Сўнгра Минога қайтиб, одамларга етук бир хутба қилдилар. Унда одамларга курбонлик кунининг фазилатини, ҳурматини ва Макканинг ҳурматини билдирилар. Уларга Оллоҳнинг китоби билан раҳбарлик қилган бошликларига эшитиб, итоат қилишларини амр этдилар. Ҳаж маносиклари-ибодатларини ўргатдилар. Сўнгра Минодаги Манҳар-курбонлик сўядиган жойга бордилар ва олтмиш учта курбонлик түяни ўз қўллари билан сўйдилар. Уларни чап олдинги оёқлари боғланган, тик турган ҳолларида сўйдилар. Сўнгра юзта туждан қолганини (яъни, 37тасини) сўйишни Алийга буюрдилар ва курбонлик гўштларини камбағалларга садака қилишини ва қассобларга қассоблиги эвазига бирор ҳақ бермаслигини амр этдилар.

Одамларга Минонинг ҳамма жойи Манҳар-курбонлик сўядиган, Макканинг кўчаларини йўл ва Манҳар эканлигини билдирилар.

Куронниклар сўйилиб бўлгандан кейин, сартарошни чақирилди. Сартарош соchlарини кириб оларкан бошларини ўнг томонидан бошлади. Олинган сочни Абу Талҳага бердилар. Сўнгра сартарош чап томонини олди. Олинган сочни яна Абу Талҳага бердилар ва «Буни одамлар орасида тақсимлаб бер!» — дедилар (Муттрафақун алайх).

Сочларини тагидан кирдириб олганлар ҳаққига уч марта, қисқартырганлар ҳаққига эса бир марта мағфират сүраб дуо қилдилар. Пайгабаримиз эхромдан чиқмасларидан олдин Ойша онамиз у зотга хушбўйлик сурди.

Сўнгра пешиндан олдин Маккага туяга минган ҳолда қайтдилар, бориб Ифоза⁶ тавофини қилдилар. Ундан бошқа тавооф қилмадилар, бу тавоффа саъӣ ҳам қилмадилар. Бу тавоффа ҳам, Вадо — видолашув тавофида ҳам рамал⁷ қилмадилар. Балки рамални фақат Кудум — илк келгандаги тавоффарида қилгандилар.

Сўнгра тавофни битириб, Зам-зам ёнига одамлар Зам-зам тарқатаётган маҳал келдилар. Пайғамбаримизга Зам-зам идишида Зам-зам сувини узатдилар, тик турган ҳолларида ундан ичдилар. Сўнгра Минога катдилар ва у ерда тунадилар. Ўша куни пешин намозини қаерда ўқилганлари ҳақида саҳобалар ихтилоф қилишиди. Ибн Умар Пайғамбаримиз пешинни Минода ўқидилар, деб нақл қиласа, Жобир ва Ойша разияллоҳу анхумолар эса Маккада ўқидилар, дейдилар.

Тонг отгач, қуёш оғгунигача кутдилар, қуёш оғгач, Жамарот⁸га қараб яёв юрдилар. Хайф масжидининг ёнидаги Биринчи Жамаротдан бошладилар ва унга еттита

⁶ Ҳажда ҳожиларнинг Арафотдан Муздалифага, Муздалифадан Минога келишлари ва Минодан Маккага қайтишлари Ифоза демакдир. Ифозадан сўнгра қилинган тавоффа эса, ифозадан кейин қилингани учун Ифоза тавофи дейилади. Ифоза тавофи ҳажнинг рукнидир (Тарж.).

⁷ Ортидан саъӣ қилинадиган тавоффарнинг илк уч айланишида кичик одимлар билан тез ва мардонавор юриш (Тарж.).

⁸ Ҳажда шайтонга отиладиган тошнинг ва бу тошлар отиладиган жойнинг номи (Тарж.).

тош отдилар. Ҳар тошни отганларида «Аллоҳу акбар», дер эдилар.

Сүнгра Жамаротдан ўтиб, текисликка келгунларича олдинга илдамладилар. Қиблага юзланиб, құлларини құтариб, Бақара сурасини ўқиганчалик муддатча узун дуо қилдилар.

Сүнгра Ўрта Жамаротга бориб, айни шаклда тош отдилар. Кейин водийнинг чап томонига тушдилар. Қиблага юзланиб, құлларини құттарғанларича биринчи туришларига яқин муддат туриб дуо қилдилар.

Сүнгра Учинчи Жамарот, яъни Ақаба жамаротига келдилар ва водийнинг ичига тушдилар. Байтуллоҳни чап, Минони ўңг томонларига олган ҳолда айни шаклда еттита тош отдилар.

Тош отиш түлиқ бўлиши билан ортларига қайтдилар, у ерда турмадилар.

Тош отишни пешинни ўқимасдан олдин қилғанлари, қайтғанларидан сүнгра пешинни ўқиганлари кучли эҳтимолдир.

Хожиларга сув тарқатгани сабаб Аббосга Минода қолинадиган кечаларда Маккада тунашига изн бердилар.

Тош отишни икки кунда тугатишга шошилмадилар, балки Ташриқ⁹ кунларининг учинчи куни ҳам тош отиб, тош отишни түлиқ қилдилар. Пешиндан кейин Мұхассобга тұғри келдилар ва у ерда пешин, аср, шом ва хуфтон намозларини ўқиб бердилар ва бироз ухлагандан сүнг, туриб Маккага отландилар ва Видолашув тавофини кечаси, саҳар вақтида қилдилар. Бу тавофда рамал қилмадилар.

⁹ Зул-хижжа ойининг Қурбон ҳайитидан кейинги 11, 12, 13-кунлари (Тарж.).

Хайзли бўлгани учун Софийя онамизга руҳсат бердилар ва у Видолашув тавофини қилмади.

Бу кеча Ойша онамиз укаси Абдураҳмон билан бирга бўлиш хуррамлигини чиқариш учун Танимдан умра қилди. Ойша онамиз умрасини тамомлаганда Пайғамбаримиз йўлга чиқиш буйруғини бердилар ва ҳамма йўлга чиқди.

